

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **461** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолияти янада такомиллаштирилишини таъминлаш ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган тадбирларни тизимли назорат қилиш самарадорлигини ошириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппарати тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритилсин ва иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сон қарори)» 2006 йил 2 октябрдаги 207-сон қарорининг 2-банди, шунингдек қарорга 3-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 73-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 23 сентябрь,  
323-сон

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий апаратининг ТУЗИЛМАСИ

